

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

КИРГИЗАЛИЕВ КОБИЛЖОН

**ТИЖОРАТЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ БЎЙИЧА
УЛАР ТАЪСИСЧИЛАРНИНГ СУБСИДИАР ЖАВОБГАРЛИК
МАСАЛАЛАРИ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи.
Халқаро хусусий ҳуқуқ

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Киргизалиев Кобилжон

Тижоратчи юридик шахслар мажбуриятлари бўйича улар таъсисчиларнинг
субсидиар жавобгарлик масалалари.....3

Киргизалиев Кобилжон

Вопросы субсидиарной ответственности учредителей по обязательствам
коммерческих юридических лиц.....26

Kirgizaliyev Kobiljon

Issues of subsidiary liability of founders for obligations of commercial legal
entities.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ.....53

АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ

КИРГИЗАЛИЕВ КОБИЛЖОН

ТИЖОРАТЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ БЎЙИЧА
УЛАР ТАЪСИСЧИЛАРНИНГ СУБСИДИАР ЖАВОБГАРЛИК
МАСАЛАЛАРИ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи.
Халқаро хусусий ҳуқуқ

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.3.PhD/Yu1530 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.proacademy.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Раҳмонкулов Ходжи-Акбар

академик, юридик фанлар доктори, профессор

Окюлов Омонбай

юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимов Дониёр Бахтиёрович

юридик фанлар доктори, профессор

Юлдашев Жахонгир Иномович

юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил 30 апрель соат 10-00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.: (+99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (57-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.: (+99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2025 йил 17 апрель куни тарқатилди.
(2025 йил 17 апрелдаги 1-рақамли реестр баённомаси).

М.М.Мамасиддиқов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Х.А.Қучқаров

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

М.А.Аминжанова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Кириш(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда тижоратчи юридик шахслар мажбуриятлари бўйича таъсисчиларнинг субсидиар жавобгарлиги масаласи халқаро бизнес ва ҳуқуқ тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Таъсисчиларнинг субсидиар жавобгарлиги иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг самарали тартибга солиниши компанияларнинг молиявий барқарорлигини ва инвестициявий муҳитни яхшилади. Масалан, АҚШда банкротлик ишларида фақатгина 5% ҳолатда таъсисчилар субсидиар жавобгарликка тортилади, Германияда бу кўрсаткич 10%, Францияда 3%, Японияда 4%, Хитойда 15%ни ташкил этган¹. Бундан ташқари, глобаллашув даврида халқаро тамойиллар, стандартлар, қоидаларга мувофиқ субсидиар жавобгарлик механизмлари ва тартиб-таомилларининг самарадорлигини ошириш, мазур стандартларни миллий ҳуқуқий тизимларга мослаштириш ва жорий этишнинг илмий асосларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда тижоратчи юридик шахслар мажбуриятлари бўйича улар таъсисчиларнинг субсидиар жавобгарлик масалалари бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Хусусан, инвестицион муҳит барқарорлигини таъминлашда кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш, бошқарувда фирибгарлик ҳолатларига қарши кураш ҳамда «piercing the corporate veil» (корпоратив пардани олиб ташлаш) концепцияси, таъсисчиларнинг субсидиар жавобгарликка тортилишида фирибгарлик схемаларидан фойдаланишнинг олдини олиш, компаниялар активларини нотўғри тақсимлаш ёки кредиторлардан яшириш каби каби турли йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Республикамызда тижоратчи юридик шахслар мажбуриятлари бўйича улар таъсисчиларнинг субсидиар жавобгарлигига доир кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, бу йўлдаги тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш учун қатъий қадамлар ташланди². Ўзбекистонда ҳар бир тижоратчи юридик шахслар фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунларда таъсисчи (иштирокчи, акциядор, мажбурий кўрсатма берувчи шахс, мулкдор, бошқарувчи)нинг юридик шахс мажбурияти бўйича субсидиар жавобгарлиги ўзига хос тарзда белгиланган. Бу борада ягона амалиёт шаклланмаган. Ўзбекистонда 2024 йил ҳолатига 6860 та корхона банкрот деб эълон қилинган³. Иқтисодий судлар томонидан 2024 йилда 9987 та, 2023 йилда 13093 та, 2022 йилда 8996 та, 2021

¹ American Bankruptcy Institute. 2021 Annual Business Bankruptcy Filings by State; Bundesamt für Justiz. Jahresbericht der Insolvenzstatistik 2020; INSEE (National Institute of Statistics and Economic Studies). Annual Business Insolvency Statistics 2020; Ministry of Justice of Japan. Annual Corporate Insolvency Report 2019; China Banking and Insurance Regulatory Commission. 2020 Corporate Insolvency Statistics.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 20.05.2024 йилдаги Учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/7194>

³ Банкрот деб эълон қилинган корхоналар тўғрисида маълумот. <https://davaktiv.uz/uz/bankrot>

йилда 9994 та иш кўриб яқунланган¹. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.04.2019 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф-5464-сон фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси талабларига асосан, таъсисчиларнинг жавобгарлиги фуқаролик ҳуқуқи предмети доирасида корпоратив-ҳуқуқий муносабат сифатида қайта кўриб чиқилиши зарур. Таъсисчиларнинг компания мажбуриятлари учун субсидиар жавобгарлиги масалалари ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш методларини қўллаш тенденцияларининг заифлиги, бунда асосий эътибор иштирокчиларнинг ҳалол, инсофли, виждонли, оқилона ва масъулиятли корпоратив ахлоққа эга бўлишлари ушбу тадқиқотнинг долзарблигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995, 1996), Иқтисодий процессуал кодекси (2018), Ўзбекистон Республикасининг «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Қонуни (2022), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги (2022) Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2019) қарори ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фаолиятни биргаликда амалга ошириш борасидаги таъсисчиларнинг тижоратчи юридик шахслар мажбуриятлари учун субсидиар жавобгарлиги, корпоратив муносабатдаги масъулият масалалари цивилистикада узоқ вақтлардан буён кенг тадқиқ этиб келинади. Бу борада Ҳ.Р.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, О.Окюлов, Д.М.Қараходжаева, Н.Ф.Имомов, С.С.Гулямов, В.Р.Топилдиев, Ж.И.Юлдашев, Ф.Қутлимуратов ва бошқа олимларнинг асарларини келтириб ўтиш жоиз².

Ўзбекистонда тижоратчи юридик шахслар мажбуриятлари учун таъсисчиларнинг субсидиар жавобгарлиги масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаган бўлса-да, тижоратчи юридик шахслар ва иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масалалари бир қатор ҳуқуқшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган.

¹ Иқтисодий ишлар бўйича судларнинг 2024 йил асосий кўрсаткичлари. <https://stat.sud.uz/iib.html>

² Мазкур олимларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Жумладан, В.Р.Топилдиев, Ж.И.Юлдашев, У.П.Холмирзаев, Н.Эгамбердиева, Ф.Кутлимурастов ва бошқалар¹.

Хорижий мамлакатлар ҳуқуқшунос олимларидан тадқиқот предмети доирасида Р.Gilbert, Н.Henn, О.Jauemig, М.Jensen, W.Meckling, A.Stephen, С.С.Алексеев, С.С.Амосов, Е.Е.Багданова, А.С.Бакин, Н.М.Голованов, К.И.Евтеев, Г.Н.Иванова, А.С.Шевченко, Д.А.Сумской ва бошқаларнинг асарларида ушбу масалалар илмий-назарий таҳлил этилган².

Бироқ, мазкур диссертация мавзуси доирасида Ўзбекистонда комплекс тадқиқ қилинган яхлит илмий тадқиқот иши мавжуд эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва илмий тадқиқотнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади – тижоратчи юридик шахслар мажбуриятлари бўйича таъсисчиларининг субсидиар жавобгарлик масалалари билан боғлиқ илмий-назарий ва амалий муаммоларни аниқлаш ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришга доир тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- тижоратчи юридик шахслар мажбуриятлари бўйича таъсисчиларининг субсидиар жавобгарлиги тушунчаси ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

- таъсисчиларнинг субсидиар жавобгарлигининг ҳуқуқий табиати ҳамда ўрнини белгилаш масалаларини аниқлаш ва ҳал қилиш;

- таъсисчиларнинг субсидиар жавобгарлик шартлари ва шаклига оид таҳлилларни амалга ошириш;

- таъсисчиларнинг субсидиар жавобгарлигини миллий ва хорижий тажриба асосида қиёсий таҳлил қилиш;

- корпоратив шартнома тарафларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштиришга оид тавсиялар ва тақлифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти тижоратчи юридик шахслар мажбуриятлари бўйича таъсисчиларнинг субсидиар жавобгарлик масалалари билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлардир.

Тадқиқотнинг предметини тижоратчи юридик шахслар мажбуриятлари бўйича таъсисчиларнинг субсидиар жавобгарлигини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари, илмий-назарий жиҳатлари ва ушбу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммолардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихий ва тизимли, статистик, норматив-ҳуқуқий ва амалий таҳлил, умумлаштириш, мантиқийлик каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қарздор фуқарони суд ҳужжатлари ва бошқа ижро ҳужжатлари бўйича тўловларни ихтиёрий равишда амалга оширган учинчи шахслар қарздор билан

¹ Мазкур олимларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

² Мазкур олимларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

ёхуд фойдасига тўлов амалга оширган учинчи шахслар билан қариндош эканлиги фактидан қатъий назар агар улар қарздорни қарши мажбуриятидан умидвор эмаслиги исботланмаса, бегона шахс манфаатини кўзлаб, топшириқсиз ҳаракат қилган шахс мақомидан фойдаланишлиги асослантирилган;

қарздор мажбуриятини ижро этиш учинчи шахслар томонидан ихтиёрий равишда ўз зиммасига олиш тартиби ва оқибатлари, қарздор таъсисчи ва мулкдорларининг тўлов имкониятини, тўловдан бўйин товлаш оқибатлари аниқлаштиришга қаратилган ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш зарурлиги асосланган;

таъсисчи ва мулкдорларни қарзларини ихтиёрий тўлаши ҳолатида келгусида Фуқаролик кодексининг 47-бобида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ ўз харажатларини ундириш бўйича қонуний ҳуқуқларга эга бўлиши, қарздор билан учинчи шахслар (қарздорнинг яқин қариндошлари) ўртасида қарздорга ёрдам кўрсатиш ҳамда келишув тузилишига қаратилган ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш лозимлиги асослантирилган;

ижро ҳужжатлари бўйича қарздорнинг мол-мулки йўқлиги, қарздор қаердалиги номаълум бўлган ҳолларда бу бўйича масъул ходимлар қарздорнинг қариндош уруғларини аниқлаб, улар билан суҳбат ўтказиши чораларини кўриши лозимлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тижоратчи юридик шахслар мажбуриятлари бўйича улар таъсисчиларининг субсидиар жавобгарлик масалалари миллий ва ривожланган мамлакатлар амалиётида кенг қўлланилиши, иштирокчи (акциядор)лар ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга, кредиторлар ва инвесторлар ҳуқуқлари кафолатига оид муносабатларни самарали тартибга солиш воситаси эканлигидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги, «Масъулияти чекланган жамиятлари тўғрисида»ги, «Хусусий корхона тўғрисида»ги, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи асослаб берилган;

тижоратчи юридик шахслар таъсисчилари, иштирокчилари ҳуқуқий мақоми, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш механизмларига оид қоидалар, ушбу муносабатга нисбатан корпоратив-ҳуқуқий қоидалар татбиқ этилиши илмий-амалий жиҳатдан асосланган; таъсисчиларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, инвестиция жозибадорлигини таъминлаш учун муайян имконият яратишда энг қулай механизм эканлиги, шу сабабли қонунчиликда тадқиқот предмети билан боғлиқ нормаларни шакллантиришда ҳамда миллий корпоратив ҳуқуқ доктринасини шакллантиришда мазкур ҳолат ўз ўрнига эга бўлиши зарурлиги асослантирилган;

Иқтисодий судларда таъсисчиларнинг субсидиар жавобгарлиги билан бевосита боғлиқ тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишларни тўғри, ўз вақтида кўришда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленум «Тўловга

қобилиятсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори қабул қилиш зарурати асослантирилган;

Халқимизнинг бағри кенглик, хайру-саховат, мушкул вазиятга тушиб қолганларга ёрдам бериш, қўллаб қувватлаш юксак инсоний қадриятларини ҳисобга олиб, ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги сабабли мол-мулкига ундирув қаратилган қарздорлар мажбуриятлари бўйича ихтиёрий субсидиар жавобгарлигини қўллаш жорий этилиши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан «Ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги сабабли мол-мулкига ундирув қаратилган қарздорлар мажбуриятлари бўйича ихтиёрий субсидиар жавобгарлигини қўллаш тартиб-тамойиллари тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, хорижий тажриба ва миллий қонун ҳужжатларининг ўзаро таҳлил қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, илмий тадқиқот натижаларининг хорижий ва миллий нашрларда эълон қилинганлиги, билдирилган таклиф ва хулосалардан тегишли давлат органлари ҳуқуқ ижодкорлигида фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий тадқиқот фаолиятида, норма ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, фуқаролик ва бизнес қонунчилигининг айрим нормаларини шарҳлашда, «Фуқаролик ҳуқуқи», «Мажбурият ҳуқуқи», «Корпоратив ҳуқуқ» фанларини ўқитиш ва ушбу фанлар бўйича ёзиладиган дарслик, қўлланма, маъруза матнларини яратиш, ўқув дастурларини тузиш, илмий-тадқиқот ишлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот асосида олинган натижалар қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

қарздор фуқарони суд ҳужжатлари ва бошқа ижро ҳужжатлари бўйича тўловларни ихтиёрий равишда амалга оширган учинчи шахслар қарздор билан ёхуд фойдасига тўлов амалга оширган учинчи шахслар билан қариндош эканлиги фактидан қатъий назар агар улар қарздорни қарши мажбуриятидан умидвор эмаслиги исботланмаса, бегона шахс манфаатини кўзлаб, топшириқсиз ҳаракат қилган шахс мақомидан фойдаланиши ҳақидаги таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 826-моддаси иккинчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2024 йил 11 июндаги №3/08-97-сон далолатномаси). Мазкур таклифлар тижоратчи юридик шахслар таъсисчилари ва мулкдорларининг жавобгарлигини янада аниқлаштиришга қаратилган ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

қарздор мажбуриятини ижро этиш учинчи шахслар томонидан ихтиёрий равишда ўз зиммасига олиш тартиби ва оқибатлари ҳақидаги таклифларидан «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этиш тўғрисида»ги Қонунини янада такомиллаштиришда қонун ижодкорлигида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2024 йил 11 июндаги №3/08-97-сон далолатномаси). Мазкур таклифлар қарздор таъсисчи ва мулкдорларининг тўлов имкониятини, тўловдан бўйин товлаш оқибатлари аниқлаштиришга қаратилган ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

таъсисчи ва мулкдорларни қарзларини ихтиёрий тўлаши ҳолатида келгусида Фуқаролик кодексининг 47-бобида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ ўз харажатларини ундириш бўйича қонуний ҳуқуқларга эга бўлиши ҳақидаги таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 3 январдаги ПФ-1-сонли «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини ишлаб чиқишда инобатга олинди (Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг 2024 йил 3 июлдаги 27/2-164-24-сон далолатномаси). Мазкур таклифлар қарздор билан учинчи шахслар (қарздорнинг яқин қариндошлари) ўртасида қарздорга ёрдам кўрсатиш ҳамда келишув тузилишига қаратилган ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

ижро ҳужжатлари бўйича қарздорнинг мол-мулки йўқлиги, қарздор қаердалиги номаълум бўлган ҳолларда бу бўйича масъул ходимлар қарздорнинг қариндош уруғларини аниқлаб, улар билан суҳбат ўтказиши чораларини кўриши ҳақидаги таклифларидан «Ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги сабабли мол-мулкига ундирув қаратилган қарздорлар мажбуриятлари бўйича ихтиёрий субсидиар жавобгарлигини қўллаш тартиб-тамойиллари тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг 2024 йил 11 июлдаги 6-660/17-24-41-сон далолатномаси). Мазкур таклифлар ижро ҳужжатлари бўйича қарздорнинг мол-мулки йўқлиги, қарздор қаердалиги номаълум бўлган ҳолларда бу бўйича масъул ходимлар қарздорнинг қариндош уруғларини аниқлаб, улар билан суҳбат ўтказиши чораларини кўришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва давра суҳбатларида синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан 7 та мақола (шундан 2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 155 бетни (фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташқари) ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш (диссертация аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Тижоратчи юридик шахс мажбуриятлари учун жавобгарлик зиммасига юклатилиши мумкин бўлган субъектларнинг фуқаролик-ҳуқуқий тавсифи**» деб номланган биринчи бобида таъсисчиларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми, тижоратчи юридик шахс мажбуриятлари учун жавобгарлик зиммасига юклатилиши мумкин бўлган субъектлар доираси ва уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми, тижоратчи юридик шахслар мажбуриятлари бўйича таъсисчилар субсидиар жавобгарлиги тушунчаси ва моҳияти очиб берилган.

Бозор муносабатлари шароитида нафақат юридик шахслар фаолият доираси кенгайди, балки уларни ташкил этишда иштирок этувчи шахсларга ҳам кенг имкониятлар яратиб берилди. Юридик шахслар бозор иқтисодиётида асосий рол ўйнайди. Иқтисодий фаолиятнинг асосий субъектлари сифатида фаолият юритади. Уларнинг аҳамияти турли жиҳатларда, жумладан, иш ўринларини яратиш, инвестицияларни жалб қилиш, инновациялар ва иқтисодий ўсишда намоён бўлади. Бу ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий барқарорликка ҳисса қўшади ҳамда капитал қўйилмаларнинг ўсишига ва иқтисодий ривожланишга ёрдам беради.

Ушбу бобда диссертант «таъсисчи», «муассис», «иштирокчи», «қатнашчи» ибораларининг луғавий маънолари, илмий адабиётлардаги таҳлили ҳамда амалдаги қонунчилик ҳужжатларидаги тушунчаларини таҳлил этади ва ўз муаллифлик позисиясини илгари суради. Бу борада муаллиф нафақат миллий қонунчилик, балки Арманистон, Россия, Украина, Грузия, Молдова, Қозоғистон каби давлатлар қонунчилигини ҳам таҳлил этади.

Тадқиқот ишида бевосита юридик шахслар билан боғлиқ назариялар (фикция, жамоа, маъмурият ёки директор, ижтимоий воқеълик, «шахсийлашган мақсад», «органик», «реалистик», «манфаат», «давлат», «шахсийлаштирилган мулк», «социал реаллик», агентлик, ишончли бошқарув) таҳлил этилади.

Юридик шахс вужудга келишида иштирокчи шахсларнинг мақомини таҳлил этиб, «ташаббускор-таъсисчи» ва «мулкдор-таъсисчи» сифатидаги ҳолатларга эътибор қаратади ҳамда фуқароларнинг юридик шахс ташкил этиш борасидаги ташаббускорлик лаёқати моҳиятини очиб беради.

Тадқиқот ишида тижоратчи юридик шахс мажбуриятлари учун жавобгарлик зиммасига юклатилиши мумкин бўлган субъектлар доирасини ўрганади. Уларни юридик шахснинг ўзи, юридик шахс иштирокчилари (муассислар, акциядорлар, пайчилар, хиссадорлар, аъзолар), тижоратчи юридик шахс мажбуриятлари учун жавобгарлик зиммасига юклатилиши мумкин бўлган мулкдорлар, юридик шахс бошқаруви масъул шахслари (раҳбарлари) ҳамда бошқа шахсларга туркумлаган ҳолда субсидиар жавобгарлигини таҳлил этади.

Юридик шахснинг мустақил мулкӣ жавобгарлиги тушунчасига муаллифлик тарифини ишлаб чиқади.

Амалиётда муайян фуқаролар зиммасига суд қарорлари, бошқа органлар ҳужжатларини ижроси, зарар ундириш, турли мажбурий тўловларни тўлаш ҳолатлари учраб туради. Агар бу ҳолатларда қарздор уларни тўлаш имкониятига эга бўлмаса, қаердалиги номаълум ёки тўлашдан бўйин товласа унинг қариндош-уруғлари томонидан ихтиёрий тўлаш ҳолатлари учраб туради. Ушбу фактик ҳолатни ҳуқуқий майдонга кўчириш, легаллаштириш масаласига эътибор қаратилади ва Фуқаролик Кодексининг 826-моддасига тегишли таклифларни илгари суради.

Бундан ташқари тадқиқот ишида субсидиар жавобгарликнинг табиати бўйича бир неча назарияларни таҳлил этади. Тижоратчи юридик шахслар билан боғлиқ муносабатларда субсидиар жавобгарлик тушунчасига ўз муаллифлик тарифини ишлаб чиқади. Унга кўра бир корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаганлиги туфайли банкрот бўлиши ёки у томонидан кредиторнинг талаби юзасидан мажбурият оқилона муддатда бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги бўйича қарзнинг қопланмаган қисмини кредиторнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатларига асосан ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этган мулкдор ёки корхонага мажбурий кўрсатма берувчи шахсга кўшимча (субсидиар) мажбурият юкланиши натижасида келиб чиқадиган жавобгарлик субсидиар жавобгарлик ҳисобланади.

Диссертация ишининг иккинчи боби **«Таъсисчиларни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш шартлари ва шакллари»** деб номланади. Ушбу бобда ҳуқуққа ҳилофлилик – таъсисчилар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигининг асоси сифатида, зарар, сабабий боғланиш ва айб-таъсисчилар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигининг шарти сифатида мазмун моҳияти очиб берилади.

Тадқиқотчи тадқиқот ишида муассис ёки тижоратчи юридик шахсга мажбурий кўрсатма берувчи шахснинг ғайриқонуний хатти-ҳаракати – фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги чораларини қўллаш учун асос ҳисобланишига алоҳида эътибор қаратади. Шу билан биргаликда фуқаролик ҳуқуқида жавобгарлик асоси ва шартлари ҳақида турли илмий талқинлар ва қарашларга ўз муносабатини билдиради.

Диссертантнинг фикрича таъсисчиларнинг ҳуқуққа ҳилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) доирасини аниқлаш мураккаб жараёндир. Бунинг асосий сабаби «ҳуқуққа ҳилоф» термини доирасининг кенглиги билан изоҳланади. Зеро мазкур термин ўз ичига нафақат қонун ҳужжатларини, балки юридик

шахс устави, таъсис шартномаси, юридик шахсни ташкил этиш бўйича дастлабки йиғилиш баёни ҳамда қонунда назарда тутилмаган, унга зид бўлмаган шартнома ва битимларни ҳам ўз ичига олади. Бироқ, бу масалаларнинг аксарияти бевосита миллий қонунчиликда тўлиқ ўз ифодасини топмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф–5464-сон фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясининг учинчи бўлими 4-бандида «Корпоратив муносабатларни фуқаролик кодексининг тартибга солиш предмети доирасига киритиш, корпоратив ҳужжат кучига эга ва учинчи шахслар учун мажбурий бўлган «корпоратив шартнома»ни жорий қилиш назарда тутилган. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотчининг фикрича ФКнинг предмети доирасига корпоратив муносабатларни киритган ҳолда корпоратив йиғилиш қарорларнинг ҳуқуқий табиатини белгилаш, уларни ҳуқуқ ва бурчларни вужудга келиш асоси сифатида белгилаш зарурати юзага келади.

Диссертант таъсисчиларнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуққа хилоф ҳатти-ҳаракатлари фуқаролик қонунчилиги, таъсис ҳужжати, корпоратив иш муомала одатлари, корпоратив ахлоқ, шартнома мажбуриятларини бажармаслик билан боғлиқ ҳолда қарор қабул қилишда иштироки орқали ҳуқуқни суистеъмол қилиш, мажбуриятларни бажармаслик, корхонанинг молиявий аҳволининг қасддан ёмонлашишига олиб келадиган қарорлар қабул қилиш, ноқонуний битимлар тузиш, аффилланган шахслар билан келишиб шартнома шартларини шакллантириш, корпоратив ахлоқ нормаларини бузишда намоён бўлишига эътибор қаратади.

Таъсисчиларнинг субсидиар жавобгарлиги билан боғлиқ зарар масаласи ўрганилганда, корхонанинг банкротлиги ёки таъсисчиларнинг айбли ҳаракатлари орқали кредиторларга етказилган зарар назарда тугилади.

Таъсисчининг ҳуқуққа хилоф ҳаракат(сиз)лиги оқибатида корхонани тўловга қобилиятсизликка олиб келиш орқали кредиторлар манфаатлари учун моддий жавобгарлик юзага келса, у ва корхона зиммасига моддий жавобгарликни юклаш учун ғайриқонуний ҳаракат(сиз) билан кредиторга етказилган зарар ўртасида алоқа бўлиши зарур. Бу алоқа жавобгарлик билан боғлиқ назарияларда сабабий боғланиш ҳисобланади. Шу билан бирга тижоратчи юридик шахс томонидан етказилган зарар учун таъсисчининг жавобгарлигида сабабий боғланиш бир эмас, бир нечта ҳаракат ва унинг натижасида ўртасидаги алоқадорликни аниқлашда намоён бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда таъсисчи ҳаракатлари ва етказилган зарар ўртасидаги сабабий боғланиш аниқланиш лозим. Иккинчидан эса, зарар етказилган пайтда таъсисчининг айнан қарорлари ижроси амалга оширилганлиги ва шу сабабли зарар келиб чиққанлиги аниқланиши лозим бўлади.

Одатда таъсисчининг ҳаракатлари ўзига хос таваккалчиликка асосланганлиги учун ҳам таваккалчиликнинг натижаси унинг зиммасида бўлиши табиий ва адолатлидир. Шу сабабли ҳам субсидиар жавобгарлик тамойили орқали таъсисчи жавобгарлик майдонига “жалб” қилинади.

Таъсисчининг қарори орқали корхонанинг банкротликка учраши ва кредиторлар манфаатига путур етказилишида, уни олдиндан режалаштириш, ўз ҳаракатларининг оқибатларини тушунган ҳолда ҳаракат қилиш қасд сифатида баҳоланади. Бу ҳолларда таъсисчи ўз ҳаракатларининг ғайриқонуний эканлигини билади, ўз ҳаракатларининг салбий оқибатларга олиб келиши истайди ёки ушбу оқибатларни билган ҳолда уларга бепарво муносабатда бўлади. Таъкидлаш лозимки, ФКнинг 48-моддасида таъсисчининг айби сифатида қасдга асосий эътибор қаратилади. Бироқ диссертант айнан компаниянинг тўловга қобилиятсизлиги борасида фақат қасднинг ўзи кифоя бўлмаслиги, айрим ҳолатларда эҳтиётсизлик, бепарволик, ўзига хаддан ташқари ишонч билдириб юбориш ҳам жуда катта салбий оқибатларни келтириб чиқариши эҳтимолдан узоқ эмаслигини таъкидлайди.

Диссертация ишининг учинчи боби «**Айрим юридик шахслар таъсисчилари субсидиар жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда бу борадаги халқаро стандартлар**» деб номланади. Унда хўжалик жамиятлари ва ширкатлари таъсисчилари субсидиар жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари, айрим турдаги тижоратчи юридик шахслар таъсисчилари субсидиар жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари, таъсисчиларнинг субсидиар жавобгарлиги билан боғлиқ халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти муаммолари тадқиқ этилган.

Хўжалик ширкатлари таъсисчиларининг субсидиар жавобгарлиги унинг ўзига хос хусусияти ва турларидаги ўзига хосликлардан келиб чиқиб белгиланади. Тўлиқ ширкатда шахсий элемент энг ёрқин ифодаланади ва аксинча иштирокчиларнинг ширкат мажбуриятлари бўйича масъулиятининг чекланиши умуман бўлмайдиган. Шунинг учун тўлиқ ширкат шаклидан фойдаланиш, унинг иштирокчилари учун юқори таваккалчилик билан боғлиқ. Тўлиқ ширкат кредиторларнинг талаблари нафақат жамланма капитал, балки шерикларнинг хусусий мулки билан ҳам қафолатлангани учун у одатда кредит олиш учун унчалик қийинчилик туғдирмайди.

Диссертантнинг фикрича, ширкат таъсисчисининг субсидиар жавобгарлиги билан ширкатга кейинчалик унинг фаолияти давомида қабул қилинган учинчи шахсларнинг субсидиар жавобгарлигини аралаштириб юбормаслик керак. Ширкат устав фондидаги иштирокчи улушига тўғри келадиган мол-мулкка ундирувни қаратиш унинг ширкатдаги иштирокини тугатади.

Тўлиқ ширкат таъсисчиси (иштирокчиси)нинг шахсий мажбуриятлари бўйича қарзни ундириш билан ширкат мажбуриятлари бўйича таъсисчи шахсий мол-мулкка ундирув қаратиш бир-биридан фарқланади. Ширкат мажбуриятлари бўйича иштирокчининг шахсий мол-мулкка ундирув қаратилиши ширкат мажбуриятлари бўйича ширкатнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки қолмаган тақдирда иштирокчининг шахсий мол-мулкка ундирув қаратилади.

Коммандит ширкатда «катта ишонч» муҳим ўрин эгаллайди. Коммандитчи иштирокчининг ширкат мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлиги худди хўжалик жамиятлари кабидир. Унга нисбатан тўлиқ

иштирокчининг ширкат мажбурияти бўйича субсидиар жавобгарлиги билан таққослаб бўлмайди.

Диссертант хўжалик ширкатларида субсидиар жавобгарлик юзага келадиган шахсларни солидар тарздаги субсидиар жавобгарлик юкланадиган таъсисчилар, ширкат таъсисчилари билан бирдай субсидиар жавобгар бўладиган, уларга тенглаштирилган иштирокчилар, ширкат мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатиладиган «янги» иштирокчилар, субсидиар жавобгар бўладиган собиқ иштирокчилар тарзида гуруҳларга бўлиб таҳлил этади.

Хўжалик жамиятлари таъсисчиларининг улар мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлигининг моҳияти айнан юқоридаги «чекланган» жавобгарликни бўлиши билан белгиланади.

Иштирокчининг бошқарувдаги иштироки, битим тузишдаги овози, ахборотларни ошкор этмаслик мажбурияти билан боғлиқ ҳаракат(ҳаракатсизлик) оқибати МЧЖ учун салбий кўриниш касб этиши мумкин. Фикримизча бу ерда кўпроқ мажбурий кўрсатма бериш масаласида айбли ҳаракат кўпроқ кўринади.

Хўжалик жамиятларида субсидиар жавобгарлик аввало кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ва компания таъсисчилари (иштирокчилари, акциядорлари)нинг қонуний, виждонан ва компания манфаатларини кўзлаб, лекин ўз устунлик мавқеиларини суиъистемол қилмасдан хатти-ҳаракатлар амалга оширишини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий механизмдир. Чунки субсидиар жавобгарлик қарздорнинг асосий мажбуриятидан ташқари келадиган мажбурият бўлиб, жамиятнинг мол-мулки кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, иштирокчилар (муассислар) жавобгарликка тортилишини тақозо этади. Хўжалик жамиятларида субсидиар жавобгарлик институтини тўғри ишлаши ва такомиллашуви учун соҳа ва тўловга қобилиятсизлик борасидаги ҳуқуқий нормаларни уйғунлаштириш зарур. Шундагина бу институт – субсидиар жавобгарлик механизмининг самарадорлиги ошади.

Диссертант айрим турдаги тижоратчи юридик шахслар таъсисчилари субсидиар жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш жараёнида асосий эътиборни хусусий корхона ва унга тенглаштирилган юридик шахслар (фермер хўжаликлари)га алоҳида эътибор қаратади.

Бошқа тижоратчи юридик шахсларга қараганда хусусий корхона мулкдори-таъсисчисининг субсидиар жавобгарлигининг вужудга келиши ўзига хосдир ва бу ўзига хослик айбнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Хусусий корхонанинг жавобгарлиги ва таъсисчисининг субсидиар жавобгарлиги ўзаро узвий боғлиқдир. Агар юридик жиҳатдан хусусий корхона фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида субъекти ҳисобланса, амалий нуқтаи назардан хусусий корхона ва унинг раҳбари бир шахс, битта субъект, битта комплекс мол-мулкнинг ягона ва умумий мулкдори сифатида кўрилади.

Тадқиқотчи амалдаги «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги қонунни таъсисчиларнинг субсидиар жавобгарлиги нуқтаи назаридан тадқиқ этиб, бир қатор ҳуқуқий бўшлиқлар, номувофикликлар мавжудлигига гувоҳ бўлади. Тадқиқот натижаси бўйича хусусий корхонанинг мулкдор-таъсисчиси

корхона мажбуриятлари учун субсидиар жавобгарлигининг келиб чиқиши куйидаги ўзига хос хусусиятларини очиб беради.

Оилавий корхона билан боғлиқ субсидиар жавобгарлик турлича кўриниш касб этиш мумкин. Оилавий корхонанинг ўзига хослиги, унинг иштирокчилари кўплиги ва уларни оилавий ришталар боғлаб туришидир. Қонунчилик оилавий корхона иштирокчилари корхона мол-мулки етарли бўлмаганда, оилавий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан қонунчиликка мувофиқ субсидиар жавобгар бўлишини назарда тутди. Адолат нуқта назардан ҳўжалик жамиятлари субсидиар жавобгарлик масаласидаги амалиётни оилавий корхоналарга нисбатан ҳам қўллаш масаласини кўриб чиқиш зарур.

Тижорат юридик шахслар таъсисчиларининг ўз мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлиги ҳуқуқий тартибга солишга ёндашувлар турли юрисдикцияларда фарқ қилиши мумкин, аммо ушбу соҳадаги ҳуқуқий нормаларни уйғунлаштириш ва бирлаштиришга қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва тавсиялар мавжуд. Бугунги глобаллашув даврида ҳуқуқий интеграция масаласи долзарблиги нуқтаи назардан халқаро ҳужжатларни миллий ҳуқуқий тизимларга таъсири таҳлил этилади.

Унда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг корпоратив бошқарув кўрсатмалари, 2003 йилда қабул қилинган БМТнинг коррупцияга қарши Конвенцияси, Халқаро тўловга лаёқатсизлик бўйича ИНСОЛ тамойиллари, Халқаро Молия корпорациясининг тавсиялари, Халқаро тижорат шартномалари бўйича кўрсатмалар тадқиқот доирасида таҳлил этилади.

Оилавий тадбиркорликда қарзни тўлаш имконияти бўлмаса, қарздор қаердалиги номаълум бўлса, у тўлашдан бўйин товласа қариндошлари ихтиёрий қарзни тўлаш ҳолатлари мавжуд. Бу айниқса халқимизга хос бўлган менталитетга асосланганлиги учун қариндош-уруғларни бир бирига ғамхўрлиги, зарур ҳолларда кўмакка келиши, яқин кишиси манфаатини кўзлаб амалга оширилади. Бироқ, бу тўлиқ ҳуқуқий майдонда содир бўлмайди. Шу сабабли диссертант ушбу фактик ҳолатни ҳуқуқий майдонга кўчириш, легаллаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этиш тўғрисидаги» Қонунига қатор қўшичалар киритишни таклиф этади ва бу борада социологик тадқиқотлар амалга оширади.

Диссертант фуқаролик қонунчилигида ихтиёрий субсидиар жавобгарлик тушунчаси ва механизмини таҳлил этади. Ихтиёрий субсидиар жавобгарликнинг аҳамияти кредиторларнинг ишончини мустаҳкамлаш (таъсисчи, иштирокчи ёки бошқарувчилар шахсий кафолат бериш орқали компанияга бўлган ишончини намойиш этиб, унинг кредит рейтингини оширишга эришадилар), бизнес таваккалчилик хавфларини камайтириш (баъзи ҳолларда ихтиёрий субсидиар жавобгарлик компанияга янада қулай кредит шартларини олишга ёрдам беради), корпоратив низоларни ҳал қилиш (таъсисчи, иштирокчи ёки кредиторлар ўртасида низолар юзага келганда,

субсидиар жавобгарлик тўғрисидаги ихтиёрий шартнома уларни ҳал қилишнинг самарали усули бўлиши мумкин) да намоён бўлади.

Иқтисодий судлар томонидан корхоналарнинг тўловга қобилиятсизлигига оид тоифа ишларни кўришда судьяларга тушунтириш берувчи Олий суд Пленуми қарори қабул қилинмаган. Фикримизча тижоратчи юридик шахслар таъсисчиларининг субсидиар жавобгарлиги йўналишидаги тушунтиришлар ҳам ўз ифодасини топган Пленум қарори қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

Тижоратчи юридик шахслар мажбуриятлари бўйича улар таъсисчиларининг субсидиар жавобгарлиги мавзусидаги тадқиқотда қуйидаги илмий-назарий, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга оид хулосаларга келинди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1.1. Фуқаролик қонун ҳужжатларидаги атама ва тушунчаларнинг ҳуқуқий маъноларини уларни аниқ таърифлаш ва бир хилда қўллаш орқали такомиллаштириш нуқтаи назаридан «таъсисчи», «муассис», «иштирокчи», «қатнашчи» атамаларини ўз ўрнида қўллаш бўйича назарий ва амалий таклифлар илгари сурилди. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли фармойиши билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси» ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

1.2. Таъсисчи – иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва маърифий эҳтиёжларни қондириш мақсадида юридик шахсни ташкил этишда ташаббус кўрсатувчи ҳамда таъсис этиш билан боғлиқ барча хатти-ҳаракатларни бевосита ёки билвосита амалга оширувчи шахсдир.

1.3. Тижоратчи юридик шахсларнинг таъсисчиси деб – фойда олиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида юридик шахсни ташкил этишда ташаббус кўрсатувчи ва таъсис этиш билан боғлиқ барча хатти-ҳаракатларни бевосита ёки билвосита амалга оширувчи мулкдор(лар) ёки улар вакил қилган шахс(лар)га айтилади.

1.3. Таъсисчиларнинг юридик шахсни ташкил этишдаги ваколатларини таҳлил қилган ҳолда «ташаббускор-таъсисчи» ва «мулкдор-таъсисчи» тушунчалари илгари сурилди ва улар ҳар бирининг хусусиятлари тадқиқот ишида очиб берилди.

1.4. Диссертант илмий адабиётлар ва қонунчиликни таҳлил қилган ҳолда юридик шахснинг мустақил мулкӣ жавобгарлиги тушунчасига ўз муаллифлик позициясини илгари суради. Унга кўра, юридик шахснинг мустақил мулкӣ жавобгарлиги – унинг мол-мулкни бошқа шахслар (мулкдорлари, таъсисчилари, иштирокчилари, акциядорлари, ҳисса эгалари ва бошқалар) мол-мулкидан алоҳида эканлиги, алоҳида мол-мулк кредиторлар манфаатларининг кафолати эканлиги, юридик шахслар фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарликка тортилганда

аввало уларнинг мол-мулкларига эътибор қаратилиши ва энг асосийси уларнинг мустақил ҳуқуқ субъекти эканлиги билан характерланади.

1.5. Тижоратчи юридик шахслар билан боғлиқ муносабатларда субсидиар жавобгарлик бу – бир корхонанинг мол-мулкининг етарли бўлмаганлиги туфайли банкрот бўлиши ёки у томонидан кредиторнинг талаби юзасидан мажбурият оқилона муддатда бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги бўйича қарзнинг қопланмаган қисмини кредиторнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатларига асосан ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этган мулкдор ёки корхонага мажбурий кўрсатма берувчи шахсга қўшимча (субсидиар) мажбурият юкланиши натижасида келиб чиқадиган жавобгарлик ҳисобланади.

1.6. Таъсисчиларнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуққа ҳилоф хатти-ҳаракатлари фуқаролик қонунчилиги, таъсис ҳужжати, корпоратив иш муомала одатлари, корпоратив ахлоқ, шартнома мажбуриятларини бажармаслик билан боғлиқ ҳолда қарор қабул қилишда иштироки орқали ҳуқуқни суиистеъмол қилиш, мажбуриятларни бажармаслик, корхонанинг молиявий аҳволининг қасддан ёмонлашишига олиб келадиган қарорлар қабул қилиш, ноқонуний битимлар тузиш, аффилланган шахслар билан келишиб шартнома шартларини шакллантириш, корпоратив ахлоқ нормаларини бузишда намоён бўлади.

1.7. Компаниянинг тўловга қобилиятсизлиги борасида фақат қасднинг ўзи кифоя бўлмайди. Айрим ҳолатларда эҳтиётсизлик, бепарволик, ўзига ҳаддан ташқари ишонч билдириб юбориш ҳам жуда катта салбий оқибатларни келтириб чиқариши эҳтимолдан узоқ эмас. Шу сабабли таъсисчининг субсидиар жавобгарлиги масаласи нормалаштирилганда айбнинг эҳтиётсизлик кўринишига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

1.8. Диссертант ҳўжалик ширкатларида субсидиар жавобгарлик юзага келадиган шахсларни қуйидаги гуруҳларга бўлишни таклиф этади:

- солидар тарздаги субсидиар жавобгарлик юкланадиган таъсисчилар;
- ширкат таъсисчилари билан бирдай субсидиар жавобгар бўладиган, уларга тенглаштирилган иштирокчилар;
- ширкат мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатиладиган «янги» иштирокчилар;
- субсидиар жавобгар бўладиган собиқ иштирокчилар.

1.9. Оилавий корхонанинг ўзига хослиги унинг иштирокчилари кўплиги ва уларни оилавий ришталар боғлаб туришлиги, бироқ қонунчиликда оилавий корхона иштирокчилари корхона мол-мулки етарли бўлмаганда, оилавий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан қонунчиликка мувофиқ субсидиар жавобгар бўлишини назарда тутиши, устунлик мавқеига эга ёки тўловга қобилиятсизликка олиб келадиган қарор қабул қилишда иштирок бу ерда эътиборга олинмаган ва ҳамма бирдай жавоб бериши назарда тутганлигини инобатга олиб, қонунчиликда жавобгарликни адолатли тақсимлаш механизмини ишлаб чиқиш лозимлиги таклиф этилади.

1.10. Хўжалик жамиятларида бошқарув органи – директорнинг, коллегиял ижро этувчи органи ҳамда иштирокчиларнинг айби билан жамиятнинг тўловга қобилиятсизлигига олиб келган тақдирда бундай шахслар зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши, шунингдек агар зарар бир неча шахс томонидан, коллегиял қарор орқали етказилган бўлса, улар биргаликда солидар жавобгар бўлиши лозим ва бу борада тегишли қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ.

1.11. Диссертант фуқароларнинг юридик шахс ташкил этиш борасидаги ташаббускорлик лаёқати қуйидаги унсурлар мажмуи сифатида баҳоланишини тақлиф этади:

- фуқаронинг юридик шахс ташкил этиш билан боғлиқ ўз ҳаракатлари билан муайян ҳуқуқларга эгалик қилиш ва мажбуриятларни вужудга келтириш лаёқати;
- мазкур ҳуқуқ ва мажбуриятларни қонун доирасида амалга ошириш лаёқати;
- ҳаракати билан ўзига тегишли бўлган ҳуқуқларни тасарруф қилиш лаёқати;
- ташаббусли ҳаракат орқали келажакда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортилишни ўз зиммасига олиш лаёқати.

1.12. Муаллиф таъсисчининг тижоратчи юридик шахс тузишдан асосий мақсади фойда олиш ҳисобланиши, шу сабабли, уни гарчи давлат рўйхатидан ўтмаса-да, мулкни бизнесга йўналтириши билвосита тадбиркорлик ҳисобланиши ҳақидаги фикрни илгари суради.

1.13. Диссертант илмий адабиётлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилган ҳолда оилавий тадбиркорликда оила бошлиғининг талаби билан оилада ўзига тўқ аъзога қарзни тўлашда кредитор олдида кўпроқ масъулият юкланиши мумкинлиги, шу боис бу ҳолат аниқ қонунчиликда кўрсатилиши зарурлиги, адолат нуқта назардан хўжалик жамиятлари субсидиар жавобгарлик масаласидаги амалиётни оилавий корхоналарга нисбатан ҳам қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

